

**КИРИШ ИЗОҲЛАРИ,
КЕЛИБ ЧИҚИШ МАҚОМИНИ БЕРУВЧИ ШАРТЛАР ВА ИШЛОВ
БЕРУВЧИ ОПЕРАЦИЯЛАРНИНГ РЎЙХАТИ**

I ҚИСМ

Кириш изоҳлари

1 ИЗОҲ – Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Иловада барча маҳсулотлар учун қоидалар келтирилган, бироқ маҳсулотнинг унга киритилганлиги, у албатта преференцияларнинг бош тизими (ПБТ) томонидан қамраб олинади дегани эмас. ПБТ қамраб оладиган маҳсулотлар рўйхати, айрим бенефициар-мамлакатларга нисбатан қўлланадиган ПБТ преференцияларининг ҳажми ва истиснолари №978/2012 сонли (ЕИ) Регламентида баён этилган (2014 йилнинг 1 январидан 2023 йилнинг 31 декабиргача бўлган даврга).

1.2. Мазкур Иловада 45моддага мувофиқ шартлар баён этилиб, улар бажарилганда, маҳсулот тегишли бенефициар-мамлакатдан келиб чиққан, деб ҳисобланади. Маҳсулотга қараб бир-биридан фарқ қиладиган тўртта қоида мавжуд:

(а) ишлов бериш ёки қайта ишлашда хориждан келиб чиққан материалларнинг маҳсулот таркибидаги максимал миқдори муайян даражадан ошмаслиги керак;

(б) ишлов бериш ёки қайта ишлашда ишлаб чиқарилувчи маҳсулотнинг Уйғунлашган тизим бўйича 4 та рақамли товар позицияси ёки субпозицияси, мос равишда ишлатилаётган материалларга қараб, позиция ёки субпозициядан фарқ қилади;

(с) ишлов бериш ёки қайта ишлашнинг конкрет операцияси бажарилади;

(д) ишлов бериш ёки қайта ишлаш тўлиқ ишлаб чиқарилган муайян материалларда амалга оширилади.

2 Изоҳ – Рўйхатнинг таркиби

2.1. 1 ва 2 устунлар олинган маҳсулотни ифодалайди. 1 устунда вазиятга қараб, Уйғунлашган тизимда қўлланувчи позиция ёки субпозиция кўрсатилади. 2 устунда товарларнинг мазкур товар позицияси ёки гуруҳи учун шу тизимда қўлланадиган таърифи келтирилади. 1 ва 2 устундаги ҳар бир ёзув учун 2.4 изоҳга мувофиқ 3 устунда бир ёки бир нечта қоида (“квалификацияловчи операциялар”) келтирилган. Бу квалификацияловчи операциялар фақат хориждан келиб чиқадиган материалларга тегишли. Агар айрим ҳолларда 1 устундаги ёзувда “ex” бўлса, бу 3 устундаги қоида фақат 2 устунда ифодаланганидек, мазкур позициянинг бир қисмига тегишлилигини англатади.

2.2. Агар, Уйғунлашган тизимнинг бир нечта позицияси ёки субпозицияси 1 устунда бирга гуруҳланган ёки гуруҳ рақами кўрсатилган бўлиб, шу сабаб

маҳсулотларнинг 2 устундаги таърифлари умумий иборалар билан ифодаланган бўлса, 3 устундаги қоида, Уйғунлашган тизимга мувофиқ 1 устунда кўрсатилган позициялар, гуруҳларда таснифланувчи, барча маҳсулотларга тегишли бўлади.

2.3. Агар рўйхатда, позициядаги турли товарларга тегишли бўлган турли қоидалар мавжуд бўлса, ҳар бир четланиш 3 устундаги қоида қамраб олувчи позициянинг шу қисмини таърифлайди.

2.4. Агар 3 устунда “ёки ” белгиси билан ажратилган 2 та муқобил қоида кўрсатилган бўлса, экспортёр қайси бирини ишлатишни танлайди.

2.5. Кўп ҳолларда 3 устунда келтирилган қоида (қоидалар) №978/2012 сонли (ЕИ) Регламентининг II Иловасида санаб ўтилган барча бенефициар-мамлакатларга нисбатан қўлланади. Бироқ, №978/2012 сонли (ЕИ) Регламентининг IV Иловасида кўрсатилганидек, энг кам ривожланган мамлакатлар учун махсус келишувнинг бенефициар-мамлакатларидан келиб чиқадиган айрим маҳсулотлар учун унча қатъий бўлмаган қоида қўлланади. Бундай ҳолларда 3 колонка (а) ва (б) кичик колонкаларга бўлиб, (а) колонка энг кам ривожланган бенефициар-мамлакатларга, (б) кичик колонка эса қолган барча бенефициар-мамлакатларга, шунингдек Европа Иттифоқидан икки томонлама кумуляция мақсадлари учун қилинаётган экспортга нисбатан қўлланадиган қоидани кўрсатади.

3 изоҳ - Қоидаларнинг қўлланишига мисоллар

3.1. Бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ишлатиладиган, келиб чиққан мақомига эга бўлган маҳсулотларга тегишли бўлган 45 (2) модда бу мақом ушбу товарлар ишлатиладиган корхонада олинганми ёки бенефициар-мамлакатдаги бошқа корхонада ёки Европа Иттифоқида олинган олинмаганидан қатъий назар қўлланиши керак.

3.2. 47 моддага мувофиқ бажарилаётган ишлов бериш ёки қайта ишлаш ушбу моддада тилга олинган операциялар рўйхати доирасидан ташқарига чиқиши керак. Агар бундай бўлмаса, товарлар имтиёзли тариф режимининг берилишига даъвогар бўлолмайди, ҳатто қуйидаги рўйхатда келтирилган шартларга риоя қилинган бўлса ҳам.

Биринчи кичик бандда кўрсатилган қоидани инобатга олган ҳолда, рўйхатдаги қоидалар талаб этилаётган ишлов бериш ёки қайта ишлашнинг кичик хажмини намоён этади, қўшимча ишлов бериш ёки қайта ишлашнинг бажарилиши ҳам келиб чиқиш мақомини беради; ва аксинча, рўйхатда кўрсатилганидан камроғининг бажарилиши келиб чиқиш мақомини бера олмайди. Шундай қилиб, қоида, агар хориждан келибчиққан материал тайёрлашнинг маълум босқичида қўлланиши мумкин бўлса, бундай материалнинг тайёрлашнинг бошланғич босқичида ишлатилишига рухсат этилишини, бундай материалларнинг кейинги босқичларида ишлатилишига эса рухсат этилмаслигини кўзда тутади.

3.3. Қоидасида “исталган товар позициясидаги материалдан тайёрлаш” деган ибора ишлатилган 3.2. Изоҳга путур етказмаган ҳолда, қоидада бўлиши мумкин бўлган конкрет чекланишларнинг бажарилиши шарти билан исталган товар позициясидаги материаллар ишлатилиши мумкин (ҳатто товар тегишли бўлган таъриф ва товар позициясидаги материаллар ҳам).

Бироқ, “Исталган товар позициясидаги материаллардан , жумладан бошқа товар позициясидаги материаллардан тайёрлаш...” ёки “Исталган товар позициясидаги материаллардан, жумладан маҳсулот тегишли бўлган исталган товар позициясидаги материаллардан тайёрлаш” иборалари исталган товар позициясидаги материаллар ишлатилиши мумкинлигини англатади, рўйхатнинг 2 устунда кўрсатилганидек материал таърифидан келтирилганлардан ташқари.

3.4. Рўйхатдаги қоида маҳсулот биттадан ортиқ материалдан тайёрланиши мумкинлигини кўрсатса, бу бир ёки бир нечта материални ишлатиш мумкинлигини англатади. Бу барча материалларнинг ишлатилишини талаб этмайди.

3.5. Рўйхатдаги қоида маҳсулот муайян материалдан тайёрланиши кераклигини кўрсатса, қоида шунингдек, табиатига кўра бу шартларни қондира олмайдиган бошқа материалларнинг ишлатилишини тақиқламайди.

4 изоҳ – Айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига тегишли бўлган умумий қоидалар

4.1. Бенефициар-мамлакат ҳудудида етиштирилган ёки йиғиб олинган, 6,7,8,9,10,12 гуруҳларга ва 2401 товар позициясига кирувчи қишлоқ хўжалиги товарлари, ушбу мамлакат ҳудудида келиб чиққан деб қаралиши керак, ҳатто улар бошқа мамлакатдан импорт қилинган уруғ, пиёз, қаламча, новда, куртак ёки ўсимликнинг бошқа тирик қисмларидан етиштирилган бўлса ҳам.

4.2. Берилган маҳсулотда хориждан келибчиқадиган шакар миқдори чекланган ҳолда, якуний маҳсулотни ишлаб чиқаришда ва якуний маҳсулот таркибига қўшилган, хориждан келибчиққан маҳсулотларни тайёрлашда ишлатилган , 1701 (сахароза) ва 1702 (масалан, фруктоза, глюкоза, лактоза, мальтоза, изоклюкоза ёки инверт шакар) товар позицияларидаги шакарларнинг салмоғи бундай чекланишларни ҳисоблашда инобатга олинади.

5 изоҳ – Муайян текстиль маҳсулотлари борасида қўлланадиган терминология

5.1. “Табиий толалар” атамаси рўйхатда сунъий ёки синтетик толалардан фарқ қилувчи толаларни таърифлаш учун ишлатилади. У йиғиришгача бўлган босқичлар билан чегараланиб, жумладан чиқиндилар ҳам, агар бошқачаси кўрсатилмаган бўлса, ўз ичига тароқсимон ёки кардода титилган, ёки бошқача ишлов берилган, аммо йиғирилмаган толаларни олади.

5.2. “Табиий толалар” атамаси 0503 товар позициясидаги от ёли, 5002 ва 5003 товар позицияларидаги ипак, 5101-5105 товар позицияларидаги жун толалар ва ҳайвонларнинг дағал жунлари, 5201-5203 товар позициясидаги пахта толаси ва 5301 дан 5305 гача бўлган товар позицияларидаги бошқа ўсимлик толаларини ўз ичига олади.

5.3. “Текстиль масса”, “кимёвий материаллар” ва “қоғоз тайёрлаш учун материаллар” атамалари 50-63 гуруҳларда таснифланмаган материалларни рўйхатда таърифлаш учун қўлланиб, улар сунъий, синтетик ёки қоғоз толалар ёки ипларни тайёрлашда ишлатилиши мумкин.

5.4. “Сунъий штапель толалар” атамаси рўйхатда 5501-5507 позициядаги синтетик ёки сунъий ип, штапель тола ёки чиқиндиларни белгилаш учун қўлланади.

6 изоҳ – Текстиль материаллар аралашмасидан тайёрланган маҳсулотларга қўлланадиган қўйимлар (допуски)

6.1. Агар берилган маҳсулот учун рўйхатда мазкур изоҳга ҳавола қилинса, 3 жадвалда кўрсатилган шартлар, шу маҳсулотни ишлаб чиқаришда қўлланадиган ва умумий миқдори барча ишлатилаётган асосий текстиль маҳсулотларнинг умумий оғирлигининг 10% ёки ундан камини ташкил этувчи, бирор бир асосий текстиль материалларга қўлланмаслиги керак. (Шунингдек 6.3 ва 6.4 изоҳларга қаранг).

6.2. Бироқ, 6.1 изоҳда кўрсатилган қўйим фақат икки ёки ундан ортиқ асосий текстиль материаллардан тайёрланган аралаш маҳсулотларга қўлланиши мумкин.

Қуйида асосий текстиль материаллар келтирилган:

ипак;

жун;

ҳайвонларнинг дағал жуни;

ҳайвонларнинг майин жуни;

отнинг ёли;

пахта;

қоғоз қилинадиган материаллар ва қоғоз;

зигирпоя;

каноптола;

жут ва бошқа чиптали текстиль толалар;

сизаль ва бошқа Agave турдаги текстиль толалар;

кокос, абака, рами ва бошқа ўсимлик текстиль толалар;

синтетик иплар;

сунъий иплар;

ток ўтказувчи иплар;

полипропилендан тайёрланган синтетик штапель толалар;

полиэстрдан тайёрланган синтетик штапель толалар;

полиамиддан тайёрланган синтетик штапель толалар;

полиакрилонитрилдан тайёрланган синтетик штапель толалар;

полиимиддан тайёрланган синтетик штапель толалар;

политетрафторэтилендан тайёрланган синтетик штапель толалар;

поли (фениленсульфиддан) тайёрланган синтетик штапель толалар;

поливинилхлориддан тайёрланган синтетик штапель толалар;

бошқа синтетик сунъий штапель толалар;

вискозадан тайёрланган синтетик штапель толалар;

келиб чиқиши сунъий бўлган бошқа сунъий штапель толалар;

оддий полиэфирли эгилувчан сегментлар билан сегментланган, зар жиякланган ёки зар жиякланмагандан қатъий назар, полиуретандан тайёрланган йигирилган ип;

ўзаги алюминь фольгадан тайёрланган ўзак ёки полимер пленкадан тайёрланган, алюминь кукуни билан қопланган ёки қопланмаган, эни 5 мм дан ошмайдиган, икки қаватли полиэтилен пленка орасига шаффоф ёки рангли елим билан ёпиштирилган тасмани ўз ичига олган 5605 товар позициясидаги маҳсулотлар (металлаштирилган йигирилган ип);

5605 товар позициясидаги бошқа маҳсулотлар;

шишатола;

металл тола.

Мисол:

5203 товар позициясидаги пахта толаси ва 5506 товар позициясидаги синтетик штапель толалардан тайёрланган 5205 товар позициясидаги йигирилган ип аралаш йигирилган ип бўлиб ҳисобланади. Бинобарин, хориждан келиб чиққан синтетик штапель толалар ишлатилиши мумкин бўлиб, уларнинг умумий салмоғи йигирилган ип салмоғининг 10% ошмаган ҳолда, улар келиб чиқиш қоидаларини қониқтирмайди.

Мисол:

5107 товар позициясидаги жун ип ва 5509 товар позициясидаги синтетик штапель толалардан тайёрланган 5112 товар позициясидаги жун мато аралаш мато бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун келиб чиқиш қоидаларини қониқтирмайдиган синтетик йигирилган ипни ёки келиб чиқиш қоидаларини қониқтирмайдиган жун ипни, ёки уларнинг умумий салмоғи мато салмоғининг 10% дан ошмаса, уларнинг комбинациясини ишлатиш мумкин.

Мисол:

5205 товар позициясидаги пахта толали ипдан ва 5210 товар позициясидаги пахта толали матодан тайёрланган тафта текстиль мато аралаш маҳсулот ҳисобланади, агар пахта толали матонинг ўзи иккита алоҳида товар позициясида таснифланган ипдан тайёрланган аралаш мато бўлса ёки ишлатилган пахта толали ип аралаш бўлиб ҳисобланса .

Мисол:

Агар кўриб чиқилаётган тафта текстиль мато 5205 товар позициясидаги пахта толали ип ва 5407 товар позициясидаги синтетик матодан тайёрланган бўлса, шубҳасиз, ишлатилаётган йигирилган иплар иккита алоҳида асосий текстиль материал бўлиб ҳисобланди, бинобарин, тафта текстиль мато аралаш маҳсулот бўлади.

6.3. Маҳсулот такрибида эгилувчан полиэфир сегментлари билан сегментланган полиуретандан тайёрланган йигирилган ип бўлган тақдирда, зар жиякланган жиякланмаганидан қатъий назар, бу ип борасида йўл қўйиладиган қўйим 20% ни ташкил этади.

6.4. Маҳсулотлар таркибида “алюминь фольгадан тайёрланган ўзак ёки полимер пленкадан тайёрланган, алюминь кукуни билан қопланган ёки қопланмаган, эни 5 мм дан ошмайдиган, икки қаватли полиэтилен пленка орасига шаффоф ёки рангли елим билан ёпиштирилган тасма” бўлган тақдирда, мазкур тасмага нисбатан йўл қўйиладиган қўйим 30% ни ташкил этади.

7 изоҳ – Муайян текстиль маҳсулотларига қўлланадиган қўйимлар (допуски)

7.1. Мазкур изоҳга ҳавола қилинган ҳолларда фодоаланган қоидаларни қониқтирмайдиган, тегишли тайёр маҳсулот учун 3 устундаги рўйхатда ифодоаланган текстиль маҳсулотлари ишлатилиши мумкин шу шарт биланки, улар маҳсулот таснифланадиган позициядан бошқа позицияда таснифланади ва уларнинг қиймати маҳсулот франко-заводи нарҳининг 8% дан ошмайди.

7.2. 7.3 изоҳга зиён етказмаган ҳолда, 50-63 бобларда таснифланмайдиган материаллар, уларнинг таркибида текстиль бор-йўқлигидан қатъий назар, текстиль маҳсулотларни ишлаб чиқаришда бемалол ишлатилиши мумкин.

Мисол:

Агар рўйхатдаги қоида конкрет текстиль маҳсулот (масалан шим) учун йигирилган ипни ишлатиш кераклигини назарда тутса, бу масалан тугма каби металл предметларнинг ишлатилишига тўсқинлик қилмайди, чунки тугмалар 50 дан 63 гача бўлган бобларда таснифланмайди. Худди шундай сабабга кўра молния застежкаларнинг ишлатилишига ҳам тўсқинлик қилмайди, ҳатто улар таркибида одатда текстиль бўлса ҳам.

7.3. Агар фоизли қоида қўлланаётган бўлса, 50-63 бобларда таснифланган материалларнинг қиймати таркибга киритилган хориждан келибчиққан материалларнинг қийматини ҳисоблашда инobatга олиниши керак.

8 изоҳ – 27 гурҳдаги муайян маҳсулотлар борасида конкрет жараёнлар ва оддий операцияларни белгилаш

8.1. ех 2707 ва 2713 позиция мақсадлари учун қуйидагилар белгиланади :

(a) вакуумли ҳайдаш ;

(b) пухта фракциялаш жараёни орқали бидистилляция (1);

(c) крекинг;

(d) реформалаш;

(e) селектив эритувчилар ёрдамида экстракция;

(f) кейинги барча операцияларни: концентрациялаштирилган олтингургурт кислотаси, олеум ёки олтингургурт ангидриди билан ишлов бериш; ишқорли агентлар билан нейтраллаштириш; табиий-фаол тупроқ, фаоллаштирилган кўмир ёки боксит билан рангсизлантириш ва тозалашни ўз ичига олган жараён;

(g) полимерлаш

(h) алкиллаш;

(i) изомерлаш.

8.2. 2710, 2711 ва 2712 позициялар учун «конкрет жараёнлар» бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

(a) вакуумли ҳайдаш;

(b) пухта фракциялаш жараёни орқали бидистилляция (2);

(c) крекинг;

(d) реформалаш;

(e) селектив эритувчилар ёрдамида экстракция;

(f) кейинги барча операцияларни: концентрациялаштирилган олтингургурт кислотаси, олеум ёки олтингургурт ангидриди билан ишлов бериш; ишқорли агентлар билан нейтраллаштириш; табиий-фаол тупроқ, фаоллаштирилган кўмир ёки боксит билан рангсизлантириш ва тозалашни ўз ичига олган жараён;

(g) полимерлаш;

(h) алкиллаш;

(i) изомерлаш;

(j) фақат 2710 товар позициясидаги оғир мойлар борасида – водород билан десульфурациялаш, бу ишлов берилган маҳсулотлар таркибидаги олтингургурт миқдорининг камида 85% камайишига олиб келади (ASTM D 1266-59 Т усули);

(k) фақат 2710 товар позициясидаги маҳсулотлар учун филтрлашдан бошқа жараёнлар билан депарафинлаш;

(l) фақат 2710 товар позициясидаги оғир мойлар борасида 20 бардан ортиқ босим ва 250°C дан ортиқ температурада катализаторни ишлатган ҳолда водород билан ишлов бериш, водород кимёвий реакцияда фаол элемент бўлган десульфурацияни ўтказишдан ташқари. Ех 2710 товар позициясидаги мойловчи мойларга (масалан гидротозалаш ёки рангсизлантириш), хусусан, ранги ёки барқарорлигини яхшилаш учун водород билан кейинги ишлов бериш ўзига хос жараён деб қаралмаслиги керак.

(m) фақат ех 2710 товар позициясидаги ёнилғи мойлар борасида – атмосферали ҳайдаш, бу маҳсулотларнинг 30% дан ками ҳажми бўйича ҳайдалиши шарти билан, жумладан ASTM D 86 усули бўйича 300 ° C да йўқотишлар билан бирга;

(n) фақат ех 2710 товар позициясидаги газойллар ва ёнилғи мойлардан ташқари оғир мойлар борасида, четка биланг юқори частотали разряд ёрдамида ишлов бериш;

(o) фақат ех 2712 товар позициясидаги тозаланмаган мойлар (вазелин, озокерит, лингвит ёки торфли мум, таркибидаги ёғ 0.75%дан кам бўлмаган парафинли мум) борасида фракцион кристаллаштириш йўли билан ёғсизлантириш.

8.3. ех 2707 ва 2713 товар позиция мақсадлари учун тозалаш, декантация, тузсизлантириш, сувни ажратиш, филтрлаш, бўяш, маркировкаш, таркибида олтингугурт бўлган маҳсулотларни аралаштириш оқибатида олтингугурт олиш каби оддий операциялар ёки шу операциялар ёки шунга ўхшаш операцияларнинг исталган комбинацияси келиб чиқишни бермайди.

**II ҚИСМ КЕЛИБ ЧИҚИШ МАҚОМИНИ БЕРУВЧИ МАҲСУЛОТЛАР ВА ИШЛОВ БЕРИШ
ЁКИ ҚАЙТА ИШЛАШ БЎЙИЧА ОПЕРАЦИЯЛАР РЎЙХАТИ**

Уйғунлашган тизим позицияси	Товарнинг таърифи	Келиб чиқиш мақомини бериш учун хориждан келиб чиққан товар устида бажарилган ишлов бериш ёки қайта ишлаш
(1)	(2)	(3)
Гуруҳ 1	Тирик ҳайвонлар	1 Гуруҳнинг барча ҳайвонлари тўлиқ олинган бўлиши керак
Гуруҳ 2	Гўшт ва озуқа калла-поча, ичак-чавоқлар	Барча гўшт ва калла—поча, ичак-чавоқлар тўлиқ олиниши керак бўлган ишлаб чиқариш
ех гуруҳ 3	Балиқ ва қисқичбақасимонлар, моллюскалар ва бошқа сузувчи умуртқасизлар, куйидагилардан ташқари:	Барча балиқ ва қисқичбақасимонлар, моллюскалар ва бошқа сузувчи умуртқасизлар тўлиқ олиниши керак бўлган ишлаб чиқариш
0304	Лаҳм балиқ ва балиқнинг бошқа қисмлари, жумладан, янги қилинган, совутилган ёки музлатилган қиймаси	3 гуруҳнинг барча ишлатилган материаллари тўлиқ олиниши керак бўлган ишлаб чиқариш
0305	Қуритилган, тузланган ёки намакопга солинган балиқ; иссиқ ёки совуқ дудланган балиқ; майда ва йирик тортилган балиқ ва овқатга ишлатса бўладиган балиқ грануласи	3 гуруҳнинг барча ишлатилган материаллари тўлиқ олиниши керак бўлган ишлаб чиқариш
ех 0306	Косали ёки косасиз, қуритилган, тузланган ёки намакопга солинган қисқичбақалар; буғда ёки сувда пиширилган, совутилган ёки совутилмаган, музлатилган, қуритилган тузланган ёки намакопга солинган косали	3 гуруҳнинг барча ишлатилган материаллари тўлиқ олиниши керак бўлган ишлаб чиқариш

	қисқичбақалар; овақтга яроқли қисқичбақасимонлардан тайёрланган майда ва йирик тортилган ун ва гранулалар.	
--	--	--

ex 0307	Қуритилган, тузланган ёки намақодаги чиғаноқ ичидаги ёки чиғаноқсиз моллюскалар; моллюскалар ва қисқичбақасимонлилардан ташқари сузувчи умуртқасизлар; озиқ-овақтга ишлатиш мумкин бўлган сузувчи умуртқасизлардан тайёрланган майда тортилган ва йирик тортилган ун ва гранулалар, қисқичбақасимонлардан ташқари	3 гуруҳнинг барча ишлатилган материаллари тўлиқ ишлаб чиқарилиши керак бўлган ишлаб чиқариш
Группа 4	Бошқа ерда номи кўрсатилмаган ёки киритилмаган сут маҳсулотлари; қуш тухумлари; табиий асал; озиқ-овақтга ишлатиладиган ҳайвон маҳсулотлари	- 4 гуруҳнинг барча ишлатилган материаллари тўлиқ ишлаб чиқарилган бўлиши ва - Ишлатилаётган шакар массаси якуний маҳсулот массасининг 40% ошмайдиган ишлаб чиқариш
ex Группа 5	Бошқа ерда номи кўрсатилмаган ёки киритилмаган ҳайвон маҳсулотлари, қуйидагилардан ташқари:	Исталган позициядаги материалдан ишлаб чиқариш
ex 0511 91	Овақтга ишлатиб бўлмайдиган балиқ икриси	Икранинг барча турлари тўлиқ ишлаб чиқарилган бўлиши керак
Группа 6	Табиий дарахтлар ва бошқа ўсимликлар; ўсимликларнинг пиёзчалари, илдизлари ва бошқа шу каби қисмлари; кесилган гуллар ва манзарали ўсимликлар	6 гуруҳнинг барча ишлатилган материаллари тўлиқ олиниши керак бўлган ишлаб чиқариш
Группа 7	Сабзавотлар ва айрим ейиш мумкин бўлган илдизмевалар	7 гуруҳнинг барча ишлатилган материаллари тўлиқ олиниши керак бўлган ишлаб чиқариш
Группа 8	Ейиш мумкин бўлган мева ва ёнғоқлар; цитрус ва	Қуйидагилардан ишлаб чиқарилган: - 8 гуруҳнинг барча мевалар, ёнғоқлар,

	қовунларнинг пўстлоғи	цитрус ва қовунларнинг пўстлоғи тўлиқ ишлаб чиқарилган ва - Ишлатилаётган шакар массаси якуний маҳсулот массасининг 40% ошмайди
группа 9	Кофе, чай, матэ ва зираворлар	Исталган позициядаги материалдан ишлаб чиқариш
группа 10	Бошоқли ўсимликлар	Бу шундай ишлаб чиқаришки, унда ишлатилган 10 бобнинг барча материаллари тўлиқ келиб чиққан
ex группа 11	Тегирмон саноати маҳсулотлари; солод; крахмаллар; инулин; буғдой глютен, қуйидагилардан ташқари:	Бу шундай ишлаб чиқаришки, унда тўлиқ олинган барча материаллар 10 ва 11 гуруҳ, 0701 ва 2303 позиция, 0710 10 субпозицияга тегишли
ex 1106	0713 позициядаги тозаланган, қуритилган дуккакли ўсимликларнинг уни, уни ва кукуни	0708 позициядаги дуккакли сабзавотларни қуритиш ва майдалаш
группа 12	Мойли уруғ ва мевалар; бошқа ғалла уруғлари ва мевалари; саноат ёки доривор ўсимликлар; сомон ва ем-хашак	Маҳсулот позициясидан ташқари исталган позициядаги материалдан ишлаб чиқариш
группа 13	Шеллак, камедлар, қатронлар ва бошқа ўсимлик шарбати ва экстрактлари	Ишлатилаётган шакар массаси якуний маҳсулот массасининг 40% ошмайдиган, исталган позициядаги материаллардан ишлаб чиқариш
группа 14	Тўқиладиган маҳсулотлар тайёрлашда ишлатиладиган материаллар; бошқа ерда номлари кўрсатилмаган ёки киритилмаган бошқа ўсимлик маҳсулотлари	Исталган позициядаги материаллардан ишлаб чиқариш
Ex группы 15	Ҳайвон ёки ўсимлик ёғлари ва уларнинг парчаланишидан ҳосил бўладиган маҳсулотлар; тайёр озиқ-овқатга ишлатиладиган ёғлар; ҳайвон ва ўсимлик мумлари, қуйидагилардан ташқари:	Маҳсулот субпозициясидан ташқари исталган субпозициядаги материаллардан ишлаб чиқариш
1501 – 1504	Чўчка ёғи, ёғ, мол, қўй, эчки, балиқ ва ҳ.к. ларнинг ёғи.	Маҳсулот позициясидан ташқари исталган позициядаги материаллардан ишлаб чиқариш

1505, 1506 и 1520	<p>Ёғли тер ва ундан олинадиган ёғ моддалари, жумладан ланолин. Тозаланган ёки тозаланмаган, аммо кимёвий таркиби ўзгармаган бошқа ҳайвон ёғ ва мойлари ва уларнинг фракциялари. Хом глицерин, глицеринли сув, глицеринли ишқорли эритмалар.</p>	Исталган позициядаги материаллардан ишлаб чиқариш
1509 и 1510	Зайтун мойи ва унинг фракциялари	Бу шундай ишлаб чиқариш, унда барча ишлатилаётган ўсимлик материаллари тўлиқ олинган бўлиши керак
1516 и 1517	<p>Ҳайвон ва ўсимлик мойлари ва ёғлари ва уларнинг тўлиқ гидрогентзациялаштирилган, интерэтерификацияланган, реэтерификацияланган ёки элаидинлаштирилган, тозаланмаган ёки тозаланган, аммо кейинги ишлов берилмаган фракциялари.</p> <p>Маргарин; овқатга ишлатиш мумкин бўлган ҳайвон ёки ўсимлик мойлари ва ёғларидан ёки шу гуруҳнинг тули мойлари ва ёғларининг фракцияларидан тайёрланган аралашмалар ёки тайёр масхулотлар, 1516 позициядаги овқатга ишлатиладиган мой ва ёғлардан ёки уларнинг фракциядаридан ташқари</p>	Исталган позициядаги материалдан ишлаб чиқариш, тегишли маҳсулот позициясидан ташқари, бунда 4 гуруҳнинг ишлатилган барча материаллари салмоғи якуний маҳсулот салмоғининг 40% дан ошмайди.
16 гуруҳ	Гўшт, балиқ ёки қисқичбақасимонлар, моллюскалар ёки бошқа сузувчи умуртқасизлардан тайёр маҳсулот	<p>Ишлаб чиқариш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Гўшт ва 2 гуруҳнинг овқатга ишлатиладиган калла-поча ва ичак-чавоқлардан, гўшт ва овқатга ишлатиладиган 2 гуруҳ калла-поча, ичак-чавоқларидан олинадиган 16 гуруҳ материалларидан ташқари, исталган позициядаги материаллардан ва - Унда ишлатиладиган балиқ, қисқичбақасимонлар, моллюска ва бошқа сузувчи умуртқасизлардан олинадиган барча 3 ва 16 гуруҳ

		материаллари тўлиқ олинган бўлиши керак. -
ex группа 17	Шакар ва шакардан тайёрланадиган қандолатчилик маҳсулотлари, қуйидагилардан ташқари:	Маҳсулот позициясидан бошқа исталган товар позициясидаги материаллардан ишлаб чиқариш
ex 1702	Қаттиқ шаклдаги бошқа шакарлар, жумладан кимёвий тоза лактоза ва глюкоза; шакар сироплари; табиий асал билан аралаштирилган ёки аралаштирилмаган сунъий асал; карамель	Маҳсулот позициясидан бошқа исталган товар позициясидаги материаллардан ишлаб чиқариш, унда 1101-1108, 1701 ва 1703 товар позициялардаги барча ишлатилган материалларнинг салмоғи якуний маҳсулотнинг 30% дан ошмайди.
ex 1702	Кимёвий тоза мальтоза ва фруктоза	Исталган товар позициясидаги материаллардан, жумладан 1702 товар позициясидаги бошқа материаллардан, ишлаб чиқариш
1704	Таркибида какао бўлмаган шакарли қандолат маҳсулотлари (жумладан оқ шоколад)	Маҳсулот позициясидан бошқа исталган товар позициясидаги материаллардан тайёрлаш, унда: - шакар (1) ва 4 гуруҳнинг ишлатилаётган материалларининг индивидуал массаси якуний маҳсулот массасининг 40%дан ошмайди; ва - шакар (1) ва 4 гуруҳнинг ишлатилаётган материалларининг умумий массаси якуний маҳсулот массасининг 60%дан ошмайди
18 гуруҳ	Какао ва какао-маҳсулотлар	Маҳсулот позициясидан бошқа исталган товар позициясидаги материаллардан тайёрлаш, унда - шакар (1) ва 4 гуруҳнинг ишлатилаётган материалларининг индивидуал массаси якуний маҳсулот массасининг 40%дан ошмайди; ва - шакар (1) ва 4 гуруҳнинг ишлатилаётган материалларининг умумий массаси якуний маҳсулот массасининг 60%дан ошмайди

19 гуруҳ	Бошоқли донлар, ун, крахмал ёки сутдан тайёр маҳсулотлар; унли қандолат маҳсулотлари	<p>Маҳсулот позициясидан бошқа исталган товар позициясидаги материаллардан тайёрлаш, унда</p> <ul style="list-style-type: none"> - 2.3 ва 16 гуруҳнинг ишлатилаётган материалларининг умумий массаси якуний маҳсулот массасининг 20%дан ошмайди, ва - 1006 ва 1101-1108 товар позициясининг ишлатилаётган материаллари массаси якуний маҳсулот массасининг 20%дан ошмайди, ва - шакар (1) ва 4 гуруҳнинг ишлатилаётган материалларининг индивидуал массаси якуний маҳсулот массасининг 40%дан ошмайди - шакар (1) ва 4 гуруҳнинг ишлатилаётган материалларининг индивидуал массаси якуний маҳсулот массасининг 40%дан ошмайди; ва - шакар (1) ва 4 гуруҳнинг ишлатилаётган материалларининг умумий массаси якуний маҳсулот массасининг 60%дан ошмайди
ех группа 20	<p>Мевалар, сабзавот, ёнғоқ ва ўсимликнинг бошқа қисмларига ишлов беришдан олинадиган маҳсулотлар, қуйидагилардан ташқари:</p> <p>Тайёрланган ёки сиркали ёки сиркасиз консерваланган помидор, қўзиқорин ва трюфеллар</p>	<p>Маҳсулот позициясидан бошқа исталган товар позициясидаги материаллардан ишлаб чиқариш, шакар (1) салмоғи массаси якуний маҳсулот массасининг 40%дан ошмайдиган маҳсулот позициясидан ташқари</p>
2002 и 2003		7 ва 8 гуруҳнинг барча ишлатилган материаллари тўлиқ ишлаб чиқарилган бўлиб ҳисобланган ишлаб чиқариш
ех группа 21	Қуйидагилардан ташқари турли озиқ-овқат маҳсулотлари:	<p>Барча ишлатилган материаллар, маҳсулот позициясидан ташқари бошқа исталган позицияда таснифланувчи ишлаб чиқариш бўлиб, унда:</p> <p>шакар (1) ва 4 гуруҳнинг ишлатилаётган материалларининг алоҳида массаси якуний маҳсулот массасининг 40%дан ошмайди ва</p>

		шакар (1) ва 4 гуруҳнинг ишлатилаётган материалларининг умумий массаси якуний маҳсулот массасининг 60%дан ошмайди;
2103	Соус тайёрлаш учун маҳсулотлар ва тайёр соуслар; таъм берувчи қўшимчалар ва аралаш зираворлар; хантал кукуни ва тайёр хантал	
	Соус тайёрлаш учун маҳсулотлар ва тайёр соуслар; таъм берувчи қўшимчалар ва аралаш зираворлар	Тегишли маҳсулот позициясидан бошқа исталган товар позициясидаги материаллардан ишлаб чиқариш, бироқ, хантал кукуни ва тайёр ханталнинг ишлатилиши мумкин
	Хантал кукуни ва тайёр хантал	Исталган позициядаги материаллардан ишлаб чиқариш
группа 22	Алкоголсиз ва алкоголь ичимликлар ва сирка	<p>Маҳсулот товар позицияси ва 2207 ва 2208 товар позицияларидан ташқари, исталган товар позициясидаги материаллардан ишлаб чиқариш бўлиб, уларда:</p> <ul style="list-style-type: none"> - 0806 10, 2009 61, 2009 69 субпозицияларнинг барча ишлатилган материаллари тўлиқ ишлаб чиқарилган ва - шакар (1) ва 4 гуруҳнинг ишлатилаётган материалларининг индивидуал массаси якуний маҳсулот массасининг 40%дан ошмайди - шакар (1) ва 4 гуруҳнинг ишлатилаётган материалларининг индивидуал массаси якуний маҳсулот массасининг 40%дан ошмайди; ва - шакар ва 4 гуруҳнинг ишлатилаётган материалларининг умумий массаси якуний маҳсулот массасининг 60%дан ошмайди
ex группа 23	Озиқ-овқат саноати	Маҳсулот позициясидан бошқа исталган

	қолдиқлари ва чиқиндилари; жониворлар учун тайёр ем; қуйидагилардан ташқари:	товар позициясидаги материаллардан ишлаб чиқариш
ex 2303	Крахмал қолдиқлари	Маҳсулот позициясидан бошқа исталган товар позициясидаги материаллардан ишлаб чиқариш, унда 10 гуруҳнинг ишлатилаётган материалларининг салмоғи якуний маҳсулот салмоғининг 20% ошмайди
2309	Жониворларни овқатлантиришда ишлатиладиган маҳсулотлар	Маҳсулот позициясидан бошқа исталган товар позициясидаги материаллардан тайёрлаш, унда: — 2 ва 3 гуруҳнинг барча ишлатилган материаллари тўлиқ олинган ва - 10 ва 11 гуруҳлар ва 2302 ва 2303 позициядаги ишлатилган материалларнинг массаси якуний маҳсулот массасининг 20% дан ошмайди; - шакар (1) ва 4 гуруҳнинг ишлатилаётган материалларининг индивидуал массаси якуний маҳсулот массасининг 40%дан ошмайди; - шакар (1) ва 4 гуруҳнинг ишлатилаётган материалларининг умумий массаси якуний маҳсулот массасининг 60%дан ошмайди
ex группа 24	Тамаки ва тамакининг ишлаб чиқариладиган ўрнини босувчи материаллар; қуйидагилардан ташқари:	Исталган товар позициясидаги материаллардан ишлаб чиқариш бўлиб, унда 24 гуруҳнинг ишлатилаётган материалларининг салмоғи 24 гуруҳнинг ишлатилаётган материаллари умумий салмоғининг 30%дан ошмайди
2401	Ишлов берилмаган тамаки; тамаки чиқиндилари	Барча тамаки хом ашёси ва 24 гуруҳнинг тамаки чиқиндилари тўлиқ олинган бўлиши керак
2402	Сигаралар, сигариллалар ва тамаки ёки унинг ўрнини босувчи материалдан тайёрланган сигареталар	Маҳсулот позицияси ва 2403 товар позициясидаги бошқа исталган товар позициясидаги материаллардан ишлаб чиқариш бўлиб, унда 2401 товар позициясидаги ишлатилаётган материалларнинг салмоғи 2401 товар позициясидаги ишлатилаётган материаллар

		умумий салмоғининг 50%дан ошмайди
ex Боб 25	Туз; олтингургурт; тупроқ ва тош; сувоқ материаллари, оҳақ ва цемент; қуйидагилардан ташқари:	Маҳсулот позициясидан бошқа исталган товар позициясидаги материаллардан ишлаб чиқариш ёки Барча ишлатилаётган материалларнинг қиймати маҳсулот франко-завод нарҳининг 70% ошмайдиган ишлаб чиқариш
ex 2519	Герметик ёпиқ идишларда тоза ёки тоза бўлмаган майдаланган табиий магний карбонати (Магнезит) ва магний оксиди, эритилган магнезия ёки пиширилган (қиздириб бириктирилган) магнезиядан ташқари	Маҳсулот позициясидан бошқа исталган товар позициясидаги материаллардан ишлаб чиқариш. Бироқ, табиий магний карбонатини (Магнезитни) ишлатиш мумкин.
26 гуруҳ	Маъдан, тошқол ва кул	Маҳсулот позициясидан бошқа исталган товар позициясидаги материаллардан ишлаб чиқариш
ex гуруҳ 27	Минерал ёнилғи, нефть ва ҳайдаш (перегонка) маҳсулотлари; битумсимон моддалар, минерал мумлар, қуйидагилардан ташқари:	Тегишли маҳсулот позициясидан бошқа исталган товар позициясидаги материаллардан ишлаб чиқариш ёки барча ишлатилаётган материалларнинг қиймати маҳсулот франко-завод нарҳининг 70% ошмайдиган ишлаб чиқариш
Ex 2707	Юқори температурали тошқўмир қатронини дистилляциялаш йўли билан олинадиган, ароматик компонентларининг массаси ноароматик компонентлари массасидан ортиқ бўлган мойлар, ушбу қатрон хажмининг 65%дан ортиғи 250°C гача бўлган температурада дистилланиб (жумладан нефть спиртлари ва бензол аралашмалари), энергия ишлаб чиқаришда ёки иситиш учун ишлатилади)	Нефтни қайта ишлаш операциялари ва/ёки бир ёки бир нечта ўзига хос жараёнлар ⁽²⁾ ёки барча ишлатилаётган материаллар маҳсулот позициясидан бошқа позицияларга тегишли бўлган бошқа операциялар. Бироқ, позицияси маҳсулот позицияси билан бир бўлган материалларни, уларнинг умумий қиймати маҳсулот франко-завод нарҳининг 50%дан ошмаган ҳолда ишлатиш мумкин.
2710	Нефть мойлари ва битумли минераллардан олинган мойлар, хомларидан ташқари; таркибида	Тозалаш операциялари ва/ёки бир ёки бир нечта ўзига хос жараёнлар (3) ёки Маҳсулот товар позициясидан бошқа

	<p>массаси бўйича 70% ёки ундан ортиқ нефть мойлари ёки битумли минераллардан олинган мойлар бўлган, бошқа гуруҳларда кўрсатилмаган ёки киритилмаган препаратлар, бунда ушбу мойлар препаратларнинг асосий компонентлари бўлиб ҳисобланади; ишлов берилган мойлар</p>	<p>позицияда таснифланувчи барча ишлатилаётган материаллар билан амалга ошириладиган бошқа операциялар. Бироқ, маҳсулот товар позицияси билан бир хил позициядаги материаллар ишлатилиши мумкин, бунда уларнинг умумий қиймати маҳсулот франко-завод нарҳининг 50% дан ошмайди.</p>
2711	<p>Нефть газлари ва газсимон углеводородлар</p>	<p>Тозалаш операциялари ва/ёки бир ёки бир нечта ўзига хос жараёнлар (3) ёки</p> <p>Маҳсулот товар позициясидан бошқа позицияда таснифланувчи барча ишлатилаётган материаллар билан амалга ошириладиган бошқа операциялар. Бироқ, маҳсулот товар позицияси билан бир хил позициядаги материаллар ишлатилиши мумкин, бунда уларнинг умумий қиймати маҳсулот франко-завод нарҳининг 50% дан ошмайди.</p>
2712	<p>Нефтьдан олинадиган вазелин; парафин, микрокристалл нефть муми, парафинли гач, озокерит, қўнғир кўмирли мум, торфли мум, синтез ёки бошқа жараёнлар натижасида олинган, бўялган ёки бўялмаган, бошқа минерал мумлар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар</p>	<p>Тозалаш операциялари ва/ёки бир ёки бир нечта ўзига хос жараёнлар (3) ёки</p> <p>Тегишли маҳсулот товар позициясидан бошқа позицияда таснифланувчи барча ишлатилаётган материаллар билан амалга ошириладиган бошқа операциялар.</p> <p>Бироқ, маҳсулот товар позицияси билан бир хил позициядаги материаллар ишлатилиши мумкин, бунда уларнинг умумий қиймати маҳсулот франко-завод нарҳининг 50% дан ошмайди.</p>
2713	<p>Нефть кокси, нефть битуми ва нефть ва битумлашган жинслардан олинган нефть маҳсулотларини қайта ишлашдан ҳосил бўлган бошқа қолдиқлари</p>	<p>Тозалаш операциялари ва/ёки бир ёки бир нечта ўзига хос жараёнлар (2) ёки</p> <p>Тегишли маҳсулот товар позициясидан бошқа позицияда таснифланувчи барча ишлатилаётган материаллар билан амалга ошириладиган бошқа операциялар.</p> <p>Бироқ, маҳсулот товар позицияси билан бир</p>

		хил позициядаги материаллар ишлатилиши мумкин, бунда уларнинг умумий қиймати маҳсулот франко- завод нарҳининг 50% дан ошмайди.
ex Группы 28	Ноорганик кимё маҳсулотлари; қиммат металллар, нодир ер металлари, радиоактив элементлар ёки итозопларнинг ноорганик ёки органик бирикмалари, қуйидагилардан ташқари:	Тегишли маҳсулот позициясидан бошқа исталган позициядаги материаллардан ишлаб чиқариш. Бироқ, маҳсулот товар позицияси билан бир хил позициядаги материаллар ишлатилиши мумкин, бунда уларнинг умумий қиймати маҳсулот франко- завод нарҳининг 20% дан ошмайди ёки Барча ишлатилаётган материалларнинг қиймати маҳсулот франко- завод нарҳининг 50% ошмайдиган ишлаб чиқариш
ex. 2811	Олтингугурт уч оксиди	Олтингугурт диоксидидан ишлаб чиқариш ёки Барча ишлатилаётган материалларнинг қиймати маҳсулот франко- завод нарҳининг 50% ошмайдиган ишлаб чиқариш
ex. 2840	Натрий перборати	Динатрий тетраборати пентагидратидан ишлаб чиқариш ёки Барча ишлатилаётган материалларнинг қиймати маҳсулот франко- завод нарҳининг 50% ошмайдиган ишлаб чиқариш
2843	Коллоид ҳолатидаги металллар; аниқ ёки ноаниқ кимёвий таркибдаги қимматбаҳо металлларнинг ноорганик ёки органик бирикмалари; қимматбаҳо металллар амальгамалари	Исталга позициядаги, жумладан, 2843 позициядаги материаллардан ишлаб чиқариш
ex. 2852	Ички эфирлар, уларнинг галогенлашган, сульфатлашган, нитроллашган ёки нитрозоллашган ҳосилаларининг симобли бирикмалари	Исталган позициядаги материаллардан ишлаб чиқариш. Бироқ, 2909 позициядаги ишлатилаётган материалларнинг қиймати маҳсулот франко- завод нарҳининг 20% ошмаслиги керак ёки Барча ишлатилаётган материалларнинг қиймати маҳсулот франко- завод нарҳининг 50% ошмайдиган ишлаб чиқариш
	Симобнинг нуклеин кислоталар ва уларнинг аниқ ёки ноаниқ кимёвий	Исталган позициядаги материаллардан ишлаб чиқариш. Бироқ, 2852, 2932, 2933 ва 2934 позициялардаги ишлатилаётган

	таркибли тузлари билан бирикмалари; бошқа гетероциклик бирикмалар	материалларнинг қиймати маҳсулот франко-завод нарҳининг 20% ошмаслиги керак ёки Барча ишлатилаётган материалларнинг қиймати маҳсулот франко-завод нарҳининг 50% ошмайдиган ишлаб чиқариш
ex Группы 29	Органик кимёвий моддалар; қуйидагилардан ташқари:	Тегишли маҳсулот позициясидан бошқа исталган позициядаги материаллардан ишлаб чиқариш. Бироқ, маҳсулот позициясидаги материаллар ишлатилиши мумкин, бунда уларнинг умумий қиймати маҳсулот франко-завод нарҳининг 20% ошмаслиги керак ёки Барча ишлатилаётган материалларнинг қиймати маҳсулот франко-завод нарҳининг 50% ошмайдиган ишлаб чиқариш
ex 2905	Берилган товар позициясидаги спирт металлари ва этанол алколятлари; қуйидагилардан ташқари:	Исталган позициядаги материаллардан ишлаб чиқариш, жумладан, 2905 позициядаги бошқа материаллар ҳам. Бироқ, мазкур товар позициясидаги металл алколятлари, уларнинг умумий қиймати маҳсулот франко-завод нарҳининг 20%дан ошмаслик шarti билан ишлатилиши мумкин Ёки Барча ишлатилган материалларнинг қиймати маҳсулот франко-завод нарҳининг 50%дан ошмайдиган ишлаб чиқариш
2905 43; 2905 44; 2905 45	Маннит; D-глюцит (сорбит); Глицерин	Маҳсулот субпозициясидан бошқа исталган субпозициядаги материаллардан ишлаб чиқариш. Бироқ маҳсулот субпозициясидаги маҳсулотлар, уларнинг умумий қиймати маҳсулот франко-завод нарҳининг 20%дан ошмаслик шarti билан ишлатилиши мумкин. ёки Барча ишлатилган материалларнинг қиймати маҳсулот франко-завод нарҳининг 50%дан ошмайдиган ишлаб чиқариш
2915	Тўйинган монокарбон ноциклик кислоталар ва уларнинг ангидридлари, галогенангидридлар, пероксидалр ва пероксикислоталар; уларнинг галогенлашган, сульфатлашган, нитроллашган ёки нитрозолашган ҳосилалари	Исталган позициядаги материаллардан ишлаб чиқариш. Бироқ, 2915 ва 2916 позициядаги барча ишлатилган материалларнинг қиймати маҳсулот франко-завод нарҳининг 20%дан ошмаслиги керак Ёки Барча ишлатилган материалларнинг қиймати маҳсулот франко-завод нарҳининг 50%дан ошмайдиган ишлаб чиқариш

из. 2932	- ички эфирлар* ва уларнинг галогенлашган, сульфалашган, нитролашган ёки нитрозолашган ҳосилалари	Исталган позициядаги материаллардан ишлаб чиқариш. Бироқ, 2909 позициядаги ишлатилган материалларнинг қиймати маҳсулот франко- завод нарҳининг 20%дан ошмаслиги керак ёки Барча ишлатилган материалларнинг қиймати маҳсулот франко- завод нарҳининг 50%дан ошмайдиган ишлаб чиқариш
	Циклик ацетали ва ички ярим ацетали ва уларнинг галогенлашган, сульфатлашган, нитроллашган ёки нитрозолашган ҳосилалари	Исталган позициядаги материаллардан ишлаб чиқариш ёки Барча ишлатилган материалларнинг қиймати маҳсулот франко- завод нарҳининг 50%дан ошмайдиган ишлаб чиқариш
2933	Фақат Азот гетероатомлари билан гетероциклик бирикмалар	Исталган позициядаги материаллардан ишлаб чиқариш. Бироқ, 2932 ва 2933 позициядаги барча ишлатилган материалларнинг қиймати маҳсулот франко- завод нарҳининг 20%дан ошмаслиги керак ёки Барча ишлатилган материалларнинг қиймати маҳсулот франко- завод нарҳининг 50%дан ошмайдиган ишлаб чиқариш
